

# ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

(Ички ишлар органлари мисолида)

ХИДИРОВ ФУРҚАТ ШУКУРУЛЛАЕВИЧ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Малака ошириш институти

Махсус касбий фанлар кафедраси

Доценти

**Аннотация.** Мақолада дунёда юз берастган хавф хатарлардан мамлакатимиз ва фуқароларнинг тинчлик ва хавфсизлигини таъминлаш ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, аҳолининг саводхонлигини оширишда ички ишлар органи ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг қонун ҳужжатларини тўғри қўллай олиш амалиётини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш масаласи ҳусусида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** Ёшларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириш терроризм, экстремизм ҳамда ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида ушбу таҳдидларни олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифалар.

# РОЛЬ И МЕСТО ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ В ПОВЫШЕНИИ ПРАВОВОГО СОЗНАНИЯ ГРАЖДАН И ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ ОБЩЕСТВА

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы обеспечения мира и безопасности нашей страны и молодёжь, повышения правовой культуры общества, повышения правового сознания и культуры сотрудников органов внутренних дел в целях повышения грамотности населения. поднятие практики умения правильно применять законодательство на новый качественный уровень.

**Ключевые слова:** Повышение правосознания и правовой культуры. Рост распространения терроризма, экстремизма и иностранных идей ставит перед органами внутренних дел новые задачи по своевременному предотвращению и устранению этих угроз.

## THE ROLE AND PLACE OF INTERNAL AFFAIRS BODIES IN RAISING THE LEGAL AWARENESS OF THE CITIZENS AND THE LEGAL CULTURE OF THE SOCIETY

**Annotation.** The article discusses the issue of ensuring the peace and security of our country and its citizens, increasing the legal culture of the society, raising the legal consciousness and culture of the employees of the internal affairs body in order to increase the literacy of the population, raising the practice of being able to correctly apply legislation to a new level in terms of quality.

**Key words:** Increasing the legal awareness and legal culture of citizens. The increasing spread of terrorism, extremism and foreign ideas creates new tasks for the internal affairs bodies to prevent and eliminate these threats in a timely manner.

Дунёда сўнги йилларда экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар трансмиллий ва трансчегарашибий хусусият касб этиб, ижтимоий хавфилик

даражаси кескин ошиб бормоқда. Хусусан, 2018–20 йилларда дунёning 80 дан зиёд мамлакат худудида 5 мингдан ортиқ террористик ҳаракатлар содир этилиб, уларнинг оқибатида 30 мингдан кўпроқ инсон ҳалок бўлган ёки жароҳатланган<sup>1</sup>. Терроризмга қарши курашиш борасида дунёда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлсада, мазкур турдаги жиноятлар миқдори камаймаяпти. Бугунги кунда терроризм умумбашарий ҳалқаро муаммога айланди. Шу сабабли терроризм билан боғлик жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳукуқий ва криминологик усул ва асосларини такомиллаштиришга эҳтиёж ортиб бормоқда ҳамда уларни янада такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Дунё миқёсида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар бўйича тадқиқот олиб борувчи Иқтисод ва тинчлик ҳалқаро институтининг терроризмнинг глобал индекси бўйича берган маълумотларига кўра, Афғонистон, Ироқ, Сомали, Буркина-Фасо, Сурия, Нигерия, Мали, Нигер ва Покистон давлатларида терроризм хавфи юқори ҳисобланади. Охирги ўн йилликда террорчилик ҳаракатлари оқибатида юзага келган ўлим ҳолати 182 минг нафарни ташкил этганлиги бу иллатнинг шахс, жамият, давлат ва инсоният учун қанчалик хавфли эканлигини кўрсатмоқда<sup>2</sup>.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, ҳалқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида ҳалқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб

<sup>1</sup> Country Reports on Terrorism 2019 – Доклад Государственного департамента США о проблемах борьбы с терроризмом в мире // [www.state.gov](http://www.state.gov) – официальный веб-сайт Государственного департамента США.

<sup>2</sup> [https://t.me/manaviyat\\_va\\_marifat\\_darsi](https://t.me/manaviyat_va_marifat_darsi)

бораётганлиги ички ишлар органлари олдига ўз вақтида ушбу таҳдидларни олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда<sup>3</sup>.

Тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласи давлат ҳокимияти ва ҳуқуқ-тартибот органлари олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Яқин қўшни ва узоқ мамлакатларда содир бўлаётган ички норозиликлар ва сиёсий инқирозлар таҳлили аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ишончли ҳамкорликнинг йўқлигини кўрсатмоқда. Бу ҳолатлар аҳоли билан бевосита ишлайдиган ички ишлар органларининг жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш фаолиятига оид масалаларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишни ҳамда глобаллашув даврида ушбу фаолиятни такомиллаштириб боришни талаб этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда ушбу йўналишдаги ислоҳотлар жамият ҳаётига кенг татбиқ этиб келинмоқда.

Хусусан, “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш” миллий дастури доирасида жамиятнинг барча соҳаларида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш, юридик мутахассисларни тайёрлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, давлат ва жамият ҳаётини адолат мезонлари асосида бошқаришда ижобий натижаларга эришилди.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 26 йиллигига ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги. // Ҳалқ сўзи -2018 йил 13 январь

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бўйича чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим рол ўйнамоқда. Ушбу Фармон билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясида ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича таълим муассасаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишининг самарали механизмларини кенгайтириш, жамият ҳаётида муҳим ўрин тутувчи фуқаролик жамияти институтлари, давлат ва нодавлат ташкилотларига ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди<sup>4</sup>.

Бироқ, ушбу йўналишдаги ишлар таҳлил қилинганда, жамият ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иши сифатида кўрилаётганлиги, оила, маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари томонидан ёшларнинг ватанпарварлигини ошириш орқали ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ишлар тизимли амалга оширилмаётганлигидан далолат бермоқда.

Жаҳон миқёсида давлат ва жамият ҳаётида рўй берадиган турфа хил инқирозлар, экстремизм ва тероризм хусусан жиноятчиликнинг турли хил шакл ва усулларда амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги далилий маълумотлар таҳлили ҳуқуқий таълим-тарбия, ҳуқуқий маданиятни ва **ватанпарварлигини** юксалтиришга оид тизимни ислоҳ қилиш, экстремизм ва терроризмга қарши

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бўйича чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // URL <http://www.lex.uz>

курашишда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг замонавий ва янада самарали механизмини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигидан далолат беради. Шу боис, жазоловчи таъсир чораларини кучайтириш кўмагида жиноятчиликка қарши курашиш эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини замонга мос ҳолда шакллантириб бориш, уларда ҳуқуқий иммунитетни ҳосил қилиш орқали эустремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Юртимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали ҳуқуқбузарлик(жиноят)ларнинг олдини олиш, жамиятда ўрнатилган тартибот ва қонун нормаларига оғишмай амал қилувчи шахсни тарбиялаш масалаларининг долзарблиги бу борада илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этмоқда. Шу нұқтаи назардан қараганда, ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи тузилма сифатида ички ишлар органлари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, айниқса, ёшларга ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий йўналишдаги бирламчи ахборотларни узлуксиз етказиб бериши орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш долзарб вазифа ҳисобланади<sup>5</sup>.

Шунингдек, ички ишлар органи ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг қонун ҳужжатларини тўғри қўллай олиш амалиётини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш талаб этилади.

Ёшларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ички ишлар органларининг фаолиятида учраётган айrim муаммолар ва унга таъсир этувчи омиллар мавжуд бўлиб, бу

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бўйича чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони// URL <http://www.lex.uz>

муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этмасдан туриб, жамият хуқуқий маданиятини тўлақонли юксалтиришнинг имкони йўқ.

Жумладан, ёшларда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш ишлари тизимли ва узвий ташкил этилмаяпти. Жамиятда, оиласда, маҳаллада, таълим муассасаларида ва ташкилотларда хуқуқий ахборотларни етказишнинг таъсиран механизми мавжуд эмас.

Шунингдек, ёшлар билан манзилли экстремизм ва терроризмни олдини олишда хуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этишда ва амалга оширишда давлат органлари ва бошқа соҳавий хизматларнинг фаол иштироки таъминланмаяпти, бу борада юқори натижадорлик ва самарадорлик кўзга ташланмаяпти.

Хуқуқий тадбирлар ҳамон анъанавий усулларда, оддий учрашувларни ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда, бу борада тарғиботнинг инновацион усулларидан, шу жумладан, веб-технологиялардан фойдаланилмаяпти, ички ишлар органларининг хуқуқий йўналишдаги интернет саҳифалари етарли эмас.

Мазкур муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий томонлари бўйича шу кунга қадар илмий тадқиқот ишлари тўлиқ ўтказилмаётганлиги сабабли ички ишлар органлари бошқа давлат органлари билан мазкур йўналишда инновацион ечимлар ва янгиликлар веб-сайтлар орқали тарғибот ташвиқот ишларини ташкил этишлари ҳамда илмий тадқиқот ишларни олиб боришлари мақсадга мувофиқ.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Асосий масала - қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талаблариiga қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатdir”. Мазкур вазифалар ва “Ўзбекистоннинг Янги тараққиёт стратегияси” 17, 20-мақсадлари талабидан келиб чиқиб, ички ишлар органларининг жамият хуқуқий маданиятини юксалтиришга оид фаолиятини такомиллаштириш, «аҳолининг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш

борасида давлат тузилмалари (*муаллифдан: шу ўринда, ички ишлар органлари*) нинг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш» билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш ва унинг илмий ечимини топиш мухим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларга асосаланиб хулоса сифатида шуни айтиш жоизкии Ички ишлар органлари ходимлари экстремизм ва терроризмни олдини олишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда аҳолиниг жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш улар билан учрашувлар ҳамда аҳолини қийнаб келаётган ҳуқуқий муаммоларини бартараф этиш орқали ҳуқуқий саводхонлигини оширасак мақсадга мувофиқдир

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси// <http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуни // <http://www.lex.uz>.
3. Б.А.Матлюбов «Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш: муамма ва ечимлар», Ўқув қўлланма Т-2018. Б-3
4. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 26-йиллиги ва ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги. Халқ сўзи газетаси 2018 йил 13 январь №8.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кутариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6196-сон Фармони // <http://www.lex.uz>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрель кунидаги "Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва

жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 5050-сон қарори // <http://www.lex.uz>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги “ 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича ўзбекистон республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6255-сон Фармони// <http://www.lex.uz>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони // URL:<http://www.lex.uz>.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бўйича чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармони// URL <http://www.lex.uz>

10. Country Reports on Terrorism 2019 – Доклад Государственного департамента США о проблемах борьбы с терроризмом в мире // [www.state.gov](http://www.state.gov) – официальный веб-сайт Государственного департамента США.

11. <sup>1</sup> [https://t.me/manaviyat\\_va\\_marifat\\_darsi](https://t.me/manaviyat_va_marifat_darsi)